



ЧАКАНА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мамажонов Иқболжон Икромович
банк-молия академияси, Тингловчиси

Аннотация: Мақолада масофавий банк хизматларини жорий этишга таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар келтирилган. Мақолада масофавий банк хизматларини жорий этишда мавжуд муаммолар ёритилган ва уларни бартараф этиш бўйича муаллиф ёндашувлари келтирилган.

Таянч сўзлар: масофавий банк хизматлари, интернет сайт, риск, банк технологиялари, интернет тезлиги, молиявий хизматлар.

Кириш.

Ўзбекистон Республикасида банк тизимини ислоҳ қилиш шароитида тижорат банкларининг депозит ва кредит хизматлари кўрсатиш амалиётини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида «Банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, тижорат банклари кредитларининг ҳажмини барқарор ўсишини таъминлаш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш»[1] мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида белгилаб берилган. «Ривожланган давлатлар амалиётига кўра, тижорат банкларида банк хизматларини масофадан кўрсатиш ва банк хизматларини рақамлаштириш орқали банк тизимидағи муаммоли ҳолатлар учун қулай молиявий ечимлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, жаҳон банк тизими ҳам рақамли ёрдамчилар, рақамли банклар, биометрик технологиялар, мобил иловалар, блокчейн технологияси, сунъий интеллект ва бошқа замонавий молиявий технологиилар билан тараққий топмоқда. Натижада, улар ёрдамида банк ва мижозлари жисмоний алоқасиз, банк биносига бормасдан пул маблағларини бошқариши, кўп сонли мижозларига навбатсиз хизмат кўрсатиш, вақт ва харажатларни тежаш имкониятлари ошди»[2].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Ҳозирги даврда банк хизматлари, унинг ривожланиш эволюцияси ва уни янада такомиллаштириш бўйича қўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Банк хизматлари бозорида мижозларнинг эҳтиёjlари ва уларни қондириш, шунингдек банк хизматлари каби масалаларни тадқиқ қилиш, россиялик олимлар Е.Ф.Жуков, О.И.Лаврушин, Т.Н.Нестерова, А.Н.Иванов, ва франциялик иқтисодчи олим С. Де Куссерларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.



Б.Кингнинг “Банк 4.0. Банкинг фақат банкларда эмас, барча жойда” номли китобида глобал бекарор муҳит шароитида банклар тўлиқ қайта ташкил этилиши, истеъмолчининг рақамли ҳаётига кириб бориши, фаолиятни қўп каналли хизматлардан бир каналли хизматлар тамойили асосида ташкил этиши муқаррар жараён эканлигига урғу берилган.

О.Лаврушиннинг фикрига кўра, банк - маълум маҳсулот ишлаб чиқарадиган муассаса бўлиб, моддий ишлаб чиқариш соҳасидан фарқ қилиб пул, тўлов воситалари кўринишидаги маҳсус товарларни ишлаб чиқаради. Ушбу маҳсулотларга қўшимча равишда банклар асосан пул мазмунидаги хизматларни тақдим этади[3].

Тадқиқот методологияси Тадқиқотнинг методологик асоси бўлиб, банк фаолиятида рақамли иқтисодиёт шароитида банк хизматлари амалиёти таҳлилиниң ташкилий-иқтисодий механизмларини таҳлил этишда тизимили ёндашувнинг қўлланилиши ҳисобланади. Таҳлил натижалари асосида тижорат банкларида банк хизматлари амалиёти ташкил этишнинг назарий асослари, ўзига хос бўлган хусусиятлари батафсил баҳоланганди.

Таҳлил ва натижалар

Банк фаолиятини даромадлилик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш кредит ва фоиз сиёсатини шакллантириш, кам даромадли операцияларни аниқлаб, тижорат банкларига сезиларли даромадлар олиш имконини берувчи таклифларни ишлаб чиқиши асосларини яратади. Ушбу масалаларни ечишда фаолиятнинг иқтисодий молиявий таҳлили, банк молиявий ресурслари ҳаракатини бошқариш механизми, капиталдан фойдаланишнинг самарали ва оқилона тизими сифатидаги молиявий менежменти катта аҳамият касбэтади.

Банк томонидан кенг миқёсда хизматларнинг кўрсатилиши унинг мижоз учун ишлаши бугунги куннинг талаби ҳисобланади.


Шундай экан, мижозлар манфаатини қўзлаган ҳолда банк учун даромад келтирадиган дастурларни яратиш, тадбирларни уюштириш ҳар бир молиявий хизматнинг туб моҳиятини, фойдали ва зарарли томонларини мижозларга тушунтириб бериш билан шуғулланувчи банк бўлимларини жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Молиявий хизматларни кенг доирада олиб бориши банклар учун даромад манбаини кенгайтиради ва уларни замонавий банк даражасига олиб чиқади.

Банклар фаолиятини трансформация қилишнинг асосий йўналишларидан бири банк фаолиятини бошқариш моделини трансформация қилишдир. Хорижий тадқиқотчиларнинг фикрича, компанияларга, хусусан, банкларга янги технологиялар ва сунъий интеллектларни жорий қилиниши рисклар ва харажатларини камайтиришга ҳамда улар фаолияти самарадорлигини оширишга олиб келмоқда.



Тўлов хизматлари бозорида аҳоли томонидан тўловларни амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 9-мартдаги ПҚ-88-сонли қарорига мувофиқ жорий этилган тўлов хизмати кўрсатилганлиги учун тўланадиган воситачилик ҳақини аҳолидан эмас, маблағ олувчилар ҳисобидан (бенефициарлардан) тўлов суммасидан чегириб қолиниши механизми самарали ишлаб келмоқда.

Яъни, банкнинг асосий вазифаси ҳамкорлар билан алоқаларни ўрнатиш ва уларнинг ўзаро мижозларининг транзакция жараёнлари технологиясини мукаммал созлашдан иборат. Банк 4.0 га ўтиш билан трансформация инсоният тараққиётида сифат сакраши кўринишини олади ва сунъий интеллектни яратиш ва у билан ўзаро таъсир қилиш муаммосини ҳал қилишга яқинлашади.



1.1-расм. Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми⁴⁹

Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажмининг ўсиши иқтисодиётни молиялаштириш кўлами, инвестицион фаоллик ҳамда Марказий банк ва тиҷорат банклари ўртасида пул бозоридаги операциялар ҳажмининг ортиб бориши билан изоҳланади.

2024-йилда 1 та тиҷорат банки фаолиятини амалга ошириш учун лицензия берилиши, “Миллий клиринг маркази” АЖ ва “Қимматли қофозлар марказий депозитарийси” АЖнинг Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизимига уланиши ҳисобига ушбу тўлов тизимининг иштирокчилари сони 39 тага етди. Шунингдек, Тиҷорат банклари бўлинмаларини оптималлаштириш ва

⁴⁹ Манба: Марказий банк маълумотлари асосида тайёрланди.



ихчам банк хизматлари марказларини ташкил этиш орқали мижозларга исталган банк бўлинмалари орқали сифатли банк хизматларидан фойдаланиш имкониятини берувчи ягона банк коди (МФО) технологияси асосида фаолият юритувчи банклар 2 тага кўпайиб, 11 тага етди.

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан мижозларга берилган барча тўлов терминалларнинг МСС-кодлари (мижоз тоифаси коди) тўлиқ хатловдан ўтказилиб, мижозларнинг фаолият турига мувофиқлаштирилиши таъминланди. Бунда, тўлов терминалларига тегишли МСС-кодлар халқаро тўлов тизимларининг (ВИСА, Мастерсард) стандартлари асосида белгиланди.

Натижада, Масофавий банк хизматларидан фойдаланиш кўламининг ошиб бораётганлиги, ўз навбатида, банк карталарига бўлган талабнинг ортиб боришига хизмат қилмоқда. Хусусан, 2024-йилда муомалага чиқарилган банк карталари сони 53,5 млн донага етиб, 2023-йилга нисбатан 15 фоизга ўсади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шу жумладан харажати нисбатан кам бўлган электрон рақамли технологияларга асосланган молиявий хизматларни жорий қилишни рағбатлантириш механизмини яратиш, республикамиз бўйлаб барча банк филиалларида 24/7 режимидаги смартофисларни очиш ҳамда банк карталари ва уларга хизмат кўрсатувчи жиҳозлар (тўлов терминали, инфокиоск ва банкоматлар) сонини кескин ошириш орқали банк мижозлари ва мамлакатимиз аҳолиси учун қулай хизмат-ларни таклиф этиш бугунги куннинг долзарб масаласи саналади.

Шунингдек, Бунда шуни эътиборга олиш зарурки, рақамли банк хизматларини бевосита банкнинг ўзида шакллантирилиши ва амалга оширилиши лозим. Чунки бошқа ташкилотларда ишлаб чиқилган банк маҳсулотларни сотиб олиш ва амалий фаолиятга жорий этиш моҳиятан модернизациялаш тарзида талқин этилади. Банк хизматларининг ўзига хос бўлган хусусияти банкнинг хусусий инновацион инфратузилмасини шакллантириш билан бир қаторда, инновацион экотизимни юзага келтиришга хизмат қилиши лозим. Бошқача айтганда, банкнинг хизматларини инновацион платформалари бошқа тизимларнинг электрон платформалари билан ўзаро алоқадорлик ва мослик тамойили асосида ишлашини жорий қилиш мухим ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли фармони//ҚҲММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.



2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6079-сонли фармони.

3. Лаврушина.О.И Банковское дело. Экспресс-курс: учебное пособие. 2016. 12 с.

4. Алиқориев О.Ф. Тижорат банкларида молиявий хизмат турларини ривожлантириш йўналишлари. Дис. и.ф.н., - Т.: БМА, - 2011. – 28 б.

5. Мирсоатов.А.К. Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида инновацион банк хизматларини ривожлантириш.Автореферат.2021й. 13-б.

6. <https://www.speedtest.net/global-index>.

7. <https://cbu.uz/oz/statistics/paysistem>.